

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Тарих фанлари*

**МИР-ЮСУПОВА Мухайёхон Алимжановна**

*Андижон давлат педагогика институти*

*Информатика ва аниқ фанлар кафедраси*

*Технологик таълим ўқитувчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7566605>

## ХАЛҚ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ФАНИДА ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАТИШ АСОСЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқ хунармандчилигини ўрганиш ва ўргатиш, бу соҳада янгиликлар яратиш, яна янги йўналишларни очиш, янгиликларни тарғиб этиш, ёш авлод учун керакли қўлланмалар қолдириш, ҳар бир йўналишдан қадимий ва антик даврга хос бўлган топилмаларни сақлаб қолиш, соҳа доирасида янгиликлар яратиш учун эски наъмуналардан андозалар яратиш ва янгилик сифатида тарғиб этиш мақсадида заргарлик санъатининг тарихи, ривожланиши ва турли миллатлардаги кўриниши ёритилган. Шунингдек зарғалик санъати ишларини ёш авлодларга ўртагиш усуллари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Халқ хунармандчилиги, заргарлик, зеб-зийнат, жилодор тошлар, заргарлик буюмлари, саноат, ибтидоий жамоа, археологик топилма, заргарлик саноати.

### АННОТАЦИЯ

В этой статье мы будем изучать и обучать народным промыслам, создавать инновации в этой области, открывать новые направления, публиковать инновации, оставлять полезные путеводители для подрастающего поколения, от каждого направления до древности и древности. История, развитие и появление ювелирного искусства у разных народов освещаются с целью сохранения уникальных находок, создания образцов из старинных образцов и популяризации их как новшеств в данной области. Также были проанализированы способы передачи ювелирного искусства подрастающему поколению.

**Ключевые слова:** народные промыслы, ювелирное дело, украшения, шлифованные камни, ювелирное дело, промышленность, первобытное общество, археологическая находка, ювелирная промышленность.

### ANNOTATION

In this article, we will study and teach folk crafts, create innovations in this field, open new directions, publish innovations, leave useful guides for the younger generation, from each direction to the ancient and ancient times. The history, development and appearance of jewelry art in different nations are covered in order to preserve the unique findings, create patterns from old samples and promote them as innovations in the field. Methods of passing on jewelry art to younger generations were also analyzed.

**Key words:** folk crafts, jewelry, jewelry, polished stones, jewelry, industry, primitive community, archaeological find, jewelry industry.

Халқ хунармандчилиги қадимдан бери ривожланиб тармоқланиб келаётган сохалардан бўлиб ҳисобланади. Ҳунармандчилик соҳаси кўп тармоқли соҳа бўлиб заргарлик санъати, дўппидўзлик, каштачилик, наққошлик ва бошқа кўплаб соҳалари бўлиб, бу соҳани ривожланиши учун уста хунармандлар, соҳа эгалари зўр маҳорат билан кўламли ишлар олиб боришмоқдалар. Халқ хунармандчилигини ўрганиш ва ўргатиш, бу соҳада янгиликлар яратиш, яна янги йўналишларни очиш, янгиликларни тарғиб этиш, ёш авлод учун керакли кўлланмалар қолдириш, ҳар бир йўналишдан қадимий ва антик даврга хос бўлган топилмаларни сақлаб қолиш, соҳа доирасида янгиликлар яратиш учун эски наъмуналардан андозалар яратиш ва янгилик сифатида тарғиб этиш лозим. Қадимдан шаклланиб ривож топиб келаётган бу касб ота боболаримиз даврида ўзига хос кўринишларга эга бўлган бўлса бугунги кунга келиб, замон ва фан тараққий топиш билан халқ хунармандчилигининг ҳам асл кўриниши ўзгариб янги замон талабига кўра ўзгариб янгиликларнинг кўриниши мумкин бўлади. Лекин қадимийликни йўқотмаган ҳолда янги замон билан уйғунлаштириб янада нафис ва чиройли бўлган наъмуналар яратишимиз жоиз.

Қадимда кекса заргарларнинг айтишича: “Дунёда биттаю – битта аёл қолса ҳам, заргарларга олам жаҳонда иш топилади” – деган эдилар. Шундай экан оламдаги барча аёллар учун энг керакли бўлган атр, упа сингари зеб-зийнат буюмларининг ўрни беқиёсдир. Қадим замонлардан бери аёлларимизнинг энг севимли буюмларидан бири бу заргарлик буюмлари бўлиб келган. Қадимда зеб-зийнат буюмларининг кўринишига, шаклига, безакдорлигига, қимматбаҳо тошлар билан безатилганлигига қараб аёлларнинг нафис дидлигига, қайси қабила ёки уруғга мансублигини, инс-жинсларга ишонувчанлигини, бой ёки камбағаллигини тақиб юрган тақинчоқларига қараб туриб билиб олишган.

Заргарлик буюмлари энг ёши катта аёллардан тортиб бешикда ётган чақалоқ қизалоқлар учун ҳам нафис тақинчоқлар моҳир уста заргарлар томонидан маҳорат билан тайёрланган. Бу даврларда тақинчоқлар, зеб-зийнат буюмларини мис, темир, қумуш гардишли рангли тошлар, жонивор ва қушларнинг тиш ва тирноқларидан, кўзмунчоқлардан тақинчоқлар ясашган. Заргарлик сўзининг асил маъно мазмуни бадий хунармандлик соҳаси; олтин, қумуш, мис, қалай каби рангли металллардан зеб-зийнат буюмлари (тақинчоқлар), безак буюмлари ясаш касби.

Ўз даврида Хива, Бухоро, Самарқанд, Қўқон шаҳарлари XIX аср заргарлик санъатининг энг йирик марказлари ҳисобланган. Ўзбек заргарлиги жуда қадимий тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузуми даврида асос солинган.

Археологик топилмалардан маълумки, заргарлик санъати жуда қадимий хунар бўлган [1, Б.147]. Эрамузгача бўлган I асрдан бошлаб эрамузнинг қадимий қалъаларнинг чиройли хайкаллар, девор безаклари орқали заргарлик санъатини ривожланганлигини кўриш мумкин. Хоразмдаги Тупрок қалъа деворларидаги тасвирлардан ўша даврлардаги аёллар кулоқларига нафис зирак таққанлари маълум. Ўзбек заргарлик санъати тараққиёти Осиё ва Шарқ мамлакат халқларининг сиёсий ва этник тарихи унга қўшни мамлакатлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Мил.ав. I – III асрлар мобайнида ҳукм сурган Ахмонийлар сулоласига мансуб Амударё хазинасидаги заргарлик буюмлари юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ҳайвон тасвири тушурилган ва феруза кўзлар қадалган тилла билан узуклар юксак маҳорат билан ишланган асарлар ҳисобланади [2, В.89].

Заргарларнинг қай даражада маҳоратли эканлигини уларнинг ясаган нафис тақинчоқларининг намуналаридан кўришимиз мумкин. Заргарлик санъати ўзбек миллий – бадий маданият тарихининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Заргар усталар томонидан ясалган буюмлар, улар яшаган давр санъатининг услубий хусусиятларини ўзларида намоён этадилар. Заргарлик ибтидоий жамоа тузумидан буён ҳозирги кунгача сайқалланиб ривож топиб келаётган касб ва соҳа ҳисобланади.

Заргарлик касби буюк бобокалонларимиздан ота мерос бўлиб асрлар давомида янада ривожланиб ҳозирги кунда юксак даражага чиқиб бутун инсоният тарихини қамраб олган хунар сифатида сайқалланиб келинмоқда.

Бугунги кунга келиб заргарлик буюмларига бўлган талаб янада ошиб заргарларга бўлган талаб ҳам шунга қараб янада кучайиб кетди. Заргарларнинг юксак маҳорати туфайли дунёга келган ҳар бир буюм натижада баъдий ишлов берилган пардоз буюми зеб – зийнат буюмига айланган. Заргарлар томонидан ясалган ғоят бежирим ишланган нақшинкор, баланд гардишларига ўрнатилган йирик феруза, кўзли узуклар кишилар орасида алоҳида қизиқиш уйғотган.

Абу Райхон Берунийнинг ёзишича феруза ғалаба, бахт – саодат, тантана, омад, фаровонлик сифатини билдирувчи тош бўлган. Ҳозирги кунда ҳам бундай услубда ишланган тақинчоқлар узуклар нафисликни кадрловчилар томонидан ўзгача қизиқиш ва зўр ҳайрат билан қарши олишади [3, Б.104]. Заргарларнинг ҳозирги кундаги санъат наъмуналари ҳам хотин қизларимиз томонидан қадрланади. Заргарларимиз томонидан яратилаётган нафис тақинчоқлар ҳар бир миллатда ўз кадр-қимматига эга. Масалан, мусулмонларда феруза, марварид, зумрад ва бошқа тошли заргарлик буюмлари ниҳоятда қадрланган. Улар инсон учун фақат безак буюмлари бўлиб қолмай, балки соғлик учун ижобий таъсир этган: марварид, инсон организмни мустаҳкамлайди, юракдаги тушкунлик ва истиробни хайдайди, кўз қобилиятини оширади, жинслардан сақлайди, оғиздаги қуланса хидларни юқотади, ошқозондаги тошларни майдалайди. Заргарларнинг маҳорати ҳам шунда қимматбаҳо тошларни маҳорат ила нақшлар билан ясаб турли хилдаги тақинчоқларга жойлашади. Заргарлар бундан ташқари тошларни жиллолаш, сайқал бериш, ҳар бир тошнинг хусусиятлари билан ўрганиб нафис тақинчоқлар ясашади. Заргарлар ҳам ўз даврида турли миллатга қараб турли хилдаги тақинчоқларни ясашган. Шундан маълум бўлганки, шарқ мамлакатлари ёки Европа давлатларининг зеб-зийнат буюмлари бир-биридан фарқ қилиб турган, бундан ташқари, нафис тошлар ҳам миллатлар кесимида фарқланган.

Қадимда ёкут кўзли рангли тошлардан ясалган узуклар эгасининг исми шарифи битиб ёзилган муҳр узуклар махсус заргарлар томонидан тайёрланар эди. Бугунги кунда ҳам маҳоратли заргарлар томонидан ёкут кўзли узуклар ва тақинчоқлар тайёрланмоқда. XIX – XX асрларда тилла, кумуш, бринж, мис, қимматбаҳо тошлар, шишадан зеб – зийнат буюмлари ясалган. Тилладан асосан буюмларга тилла суви юритишда фойдаланилган XX аср бошига келиб тиллани ўзидан заргарлик буюмлари ясаш янада ривожланди [4, Б.246].

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан со'нг заргарлик сан'ати жонланди. Қимматбаҳо металл материаллардан фойдаланишга имкон яратилди. Ҳозирги кунда заргарлик соҳасининг ҳам турли тармоқлари йўналишлари мавжуд бўлиб ижод қилаётган усталар, асосан, икки ёналишда: маҳаллий заргарлар, унутилиб бораётган, ан'аналарни қайта тиклаш ва ан'анавий замонавий услубда заргарлар буюмлари яратиш устида ижод қилмоқдалар. Бу эса ўз даврида заргарлик санъатини янада ривожланиши заргарлик ан'аналарини о'рганиш, ривожлантириш ва янги ёналишларни кашф этиш борасида қатор ишларни амалга оширди. Бугунги кунда заргарлик буюмларини ясовчи энг машҳур давлатларга Ҳиндистон, Тибет, Непал ва Туркияда ҳамда Ўзбекистонда ҳам заргарлик касби ривожланиб келмоқда. Ўзбекистонда заргарлик саноатлари ҳам ривожланиб катта саноат зоналарига айналиб бормоқда. Бу эса ўз даврида заргарлик соҳаси билан бирга саноатимизни ҳам ривожланишига олиб келади.

Заргарлик саноати – юксак бадий ишлов бериш ёли билан нодир металллар ва қимматбаҳо тошлардан, шунингдек, бошқа металллардан буюмлар, тақинчоқлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоғ'и. Заргарлик саноатида хом - ашё сифатида қимматбаҳо ва рангли металллар (платина, олтин, кумуш ва б.), уларнинг қотишмалари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар (феруза, фионит, олмос, ақиқ, зумрад, ёкут), табиий тошлар, пластмасса, суяк, эмал, шиша ва б. ишлатилади.

Заргарлар учун уларнинг асосий иш қуроллари турли металллар, қимматбаҳо тошлар, сайқаллаш учун зарур асбоб усқуналар, пардозловчи буюмлар ва заргарнинг нозик қалби нафис тақинчоқнинг дунёга келишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда заргарларнинг юксак маҳоратлари нафис қалби маҳсули бўлган заргарлик буюмлари Ўзбекистонимизнинг моддий ва маънавий бойлигини ҳамда мамлакатлар ўртасидаги мавқеини белгилаб беради. Бундан кўриниб турибдики, халқ хунармандчилиги умуман олиб айтганда, хунармандчилк касби нафақат мамлакатимизни балки уста хунармандларнинг ҳам бойишига замин бўлади, десак муболаға бўлмайди. Шундай экан хунар ўрганиш ва соҳани ривожлантириш лозим.

## ИҚТИБОСЛАР

1. Абдуллаева Р. Г. Хунармандчилик тараққиётининг тарихий ва институционал асослари, Иқтисод ва молия, 2017, 147-б.
2. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т-Т.; «Санъат» 2001, 89-б.
3. Қурбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, 104-б .
4. Б. Қурбонов, Г.Қурбанова Технология Ва Дизайн Тошкент -2020, 246-б.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)



**IMFAKTOR  
PAGES**